



Volume 3, Issue 3, 2021

Journal of Physics and Technology Education



<https://phys-tech.jspi.uz/>

Chief Editor:

Sharipov Shavkat Safarovich

Doctor of pedagogy, Professor, Rector of
Djizakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

Bekmirzaev Rakhmatulla Nurmurodovich
Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Orishev Jamshid Bahodirovich
Teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sodikov Khamid Makhmudovich, PhD
Ismailov Tuychi Djabbarovich, senior teacher
Muminov Ismail, dotsent
Kholmatov Pardaboy Karabaevich, dotsent
Umarov Rakhim Tojievich, dotsent
Murtazaev Melibek Zakirovich, dotsent
Abduraimov Sherali Saidkarimovich, PhD
Taylanov Nizom, senior teacher
Tagaev Khojamberdi, senior teacher

Editorial Representative:

Jamshid Orishev

Phone: +998974840479

e-mail: orishev-forish@inbox.uz

jamshidorishev@gmail.com

**ONLINE ELECTRONIK
JOURNAL**

“Fizika va texnologik ta’lim” jurnali
Jurnal “Физико-технологического
образование”

“Journal of Physics and Technology
Education”

Indexed By:



Published By:

<https://phys-tech.jspi.uz/>
Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan



ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Оришев Жамшид Баҳодирович

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси, Жиззах. Ўзбекистон
e-mail: orishev-forish@inbox.uz

Аннотация. Ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни, жумладан, ўқув машғулоти лойиҳалаш усулини қўллаш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Мақолада ўқув жараёни лойиҳали таълим асосида таълим этишига оид услубий тавсиялар баён этилади.

Таянч сўз ва иборалар: ўқув жараёни, лойиҳа, лойиҳали таълим, лойиҳалаш босқичлари, лойиҳа турлари, тақдимот.

* * *

Аннотация. В процессе обучения применение современных педагогических технологий, в частности, методики проектирование учебных занятий важный фактор повышения качества и эффективности образования. В статье даны методические рекомендации по организации учебного процесса на основе проектного обучения.

Ключевые слова и фразы: процесс изучения, проект, проектное обучение, этапы проектирование, виды проектирование, презентация.

* * *

Annotation. During training, the use of modern teaching technologies in the above privacy, a technique of designing training sessions an important factor in improving the quality and efficiency of education. The article provides guidelines for organizing the educational process based on project-based learning.

Key words and phrases: education process, design, project training, design stages, types of design, presentation.

Бугунги кунда ўқув жараёнида ўқитишнинг замонавий ёндошув ва инновацион технологияларидан фойдаланиш долзарб масаладир. Замонавий ёндошув ва инновацион технологияларнинг асосий хусусияти шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг кизиқувчанлигини ошириш, уларни касбларга тўғри йўналтириш ҳамда юқори даражадаги самарадорликка эришиш учун ўқув жараёни тўғри лойиҳалаштириш муҳимдир.

Лойиҳали таълим қуйидаги долзарб таълим муаммоларини ҳал этиш имконини беради ва давр талабига мос келади:

- ✓ таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилган вазиятда амалга оширишни таъминлайди;
- ✓ назарий маълумотларни амалий фаолият билан баҳолаш ва ўқувчиларни фаол мустақил билиш жараёнига жалб этиш имконини беради;
- ✓ касбларга қизиқиш, мустақил касбга йўналтиришни ривожлантиришни таъминлайди.

Технология таълими ўқитувчиси дарс жараёнини лойиҳалашда юқори маданиятли, ижодкор, изланувчан, ташкилотчи бўлмоғи керак. Лойиҳалар шундай тузилиши керакки, у ўқувчи шахсига қаратилиб, унинг шахсий ривожланишига хизмат этиши керак. Лойиҳалар асосида дарс жараёнини ташкил этишда ўқитувчи фидойилик кўрсатиши, ўқувчини руҳлантириши, уларни қизиқтириш орқали кутилган мақсадга эришиши талаб этилади.

Лойиҳа асосида ташкил этиладиган дарс машғулотлари ва унга сарф этиладиган вақт, ташкилий ишлар, бериладиган ва тўғри йўлга солувчи саволлар олдиндан режалаштирилиши керак. Ундан ташқари дарс жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган камчилик, хатолар, уларнинг олдини олиш, жараёнининг таҳлилий томонлари ҳам олдиндан ҳисобга олиниши керак.

Дарс жараёнини лойиҳали таълимдан фойдаланиш юзасидан олиб борилган тадқиқотчиларнинг ишланмаларини таҳлили дарс сифати ва самарадорлигини янада ошириш учун амалга ошириш лозим бўлган қуйидаги ишларни бажарилиш кераклиги аниқланди:

- ривожланган давлатларнинг таълим жараёнидаги илғор услубларидан республикамиз таълим жараёнига тадбиқ этиш ва уни ривожлантириш зарурлиги;
- лойиҳалашдан дарс жараёнида қўллаш ва у орқали ўқув жараёнида самарадорликка эришиш босқичларини янада такомиллаштириш кераклиги;
- лойиҳали таълимда дидактик материалларни бойитиш;
- лойиҳалашнинг илмий-услубий асосларини миллий менталитетимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш;
- ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда дастурий-дидактик материаллар тайёрлаш ва улардан дарс жараёнида қўллаш имкониятларини самарали кенгайтириш;
- лойиҳалаштирилган таълимда педагогик технологиялар, методлар, усуллардан ўринли фойдаланиш ҳолати ва бошқалар.

Юқоридаги тўхталган фикрлардан келиб чиқиб, лойиҳали таълимнинг янада такомиллашган усулларидан, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш дарс жараёнида сифат самарадорлигини ошириш имкониятларини беради.

Келтирилган педагогик ёндошув асосидаги дарс жараёнида ўзлаштиришнинг сифат даражасининг юқори кўрсаткичларга эришилади ва куйидаги хулосалар олинади:

- лойиҳали таълим асосидаги машғулотларнинг мақсади, мавзу мазмунини таълим жараёнида тўла ўзлаштириб олиниши кафолатланади;
- машғулотларда кўзда тутилган таълим стандартларидан билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштириб олишига эришилади;
- таълим олувчилар ўқитилибгина қолмасдан, уни мустақил таълим олишига ўргатилади;
- ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда берилавермайди, уни билимларни аниқ манбалардан мустақил ола билишга ўргатилади;
- барча профессор - ўқитувчилар педагогик технологияни ўзлаштириб, ўз фаолиятларида фойдалана олсалар таълим-тарбиявий ишларнинг пировард натижалари кафолатланади;
- маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнлари асосида таълим-тарбия жараёни учун ахборотлар тайёрланади ва мазкур жараёнда иштирокчиларни фаол изланишга йўналтиради;
- муайян таълим йўналиши бўйича иштирокчиларнинг ўзаро онгли ҳамкорлиги (таълимий, тарбиявий, ижодий, ўйин фаолиятлари ва ҳақоза) ахборот коммуникацион технологиялари ёрдамида мулоқатли жараён ўрнатиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, таълим жараёни самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг мустақкам билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбга тўғри йўналтиришда лойиҳали таълимдан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий заруриятдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бозорова С. Олий таълимда касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари. Монография. Тошкент. 2006. 112 б.
2. Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолтига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Доктролик диссертацияси автореферати. Тошкент. 2015. 80 б.
3. Краля Н.А. Метод учебных проектов как средство активизации учебной деятельности учащихся. Россия. Омск. Издательство ОмГУ. 2005.- 59 с.
4. Ломакина О.Н. Этапы проектирования деятельности // Высшее образование в России. 2003. №3 С.168-171.
5. Тўракулов Х. А., Оришев Ж.Б. Лойиҳали таълим – таълим самарадорлиги гарови // Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар. Илмий–услубий журнали. Тошкент, № 3-4, 2011. Б.38-41
6. Оришев Ж.Б. Ўқув машғулоти лойиҳалаш ва уни амалга ошириш босқичлари // Касб–хунар таълими. Илмий–услубий журнал. Тошкент, № 5 2013. Б. 2-4
7. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.
8. Orishev, J., & Оришева, З. (2021). “METROLOGIK O’LCHOVLAR” MAVZUSINI O’QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH . *Физико-технологического образование*, 2(2).
9. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).
10. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
11. Orishev, J. (2020). ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЛОЙИҲАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
12. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
13. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

14. Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОҲЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙ-ЛАБОРОТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛАРИ. *Научное знание современности*, (11), 26-29.
15. Алибоев, Т., Оришев, Ж., & Орипова, Ф. (2016). РАЗВИТИЕ ТЕХНИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ НА УРОКАХ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1681-1683).
16. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72
17. Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. (2017). ГАРАНТИИ ВНЕДРЕНИЯ НОВОЙ ТЕХНИКИ ПО ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМ ПАКАЗАТЕЛЯМ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1242-1245).
18. Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортикова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА " ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФУС" ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.
19. Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.
20. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).
21. Убайдуллаев, С., Уразов, Б. Х., Алкаров, К. Х., Оришев, Ж. Б., & Умаралиев, И. (2014). ВОПРОСЫ МОДЕЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ. *Актуальные проблемы современной науки*, (3), 243-245.